

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА •



— ЮР ҚОРБУРОН УЙНАЙМИЗ

Ҳ. САИДОВ сурати



Қорлар — ўрилмакка маҳкум оқ майса.  
Қарайман ўтмас тиг — кун нурларига.  
Ўйлайман: сен ҳеч вақт ғамгин боқмайсан  
Кўмилган тоқларнинг қабрларига.

Ҳовлинг... Кунботарга қараган уйинг,  
У ерда энг шаффоф қишларинг кечар.  
Толе эъзозиди энг ширин ўйинг,  
Қўш умринг, хайрли тушларинг кечар.

Азал сеникидир юрак — ёниқ эрк —  
Қишнинг осмонига сочилган мушак.

Ҳаммаёқ — оқ қумуш. Оёқлар сезди  
Қадрсиз қумушнинг ингроғин, оҳин.  
Бунча қиш юртининг давлати кенгдир!  
Аммо... дардгоҳ экан унинг даргоҳи.

Кезаман. Аёз оқ гулларни чизган  
Деразангни кўриб ўйга толаман.  
Тунлар қаҳратоннинг захрини сезган  
Ўзбекистон билан ёлғиз қоламан.

Маҳзун термилламан сатрларимга,  
Руҳимда туманлар айланур узоқ.  
Оқ ўйлар тилайман оқ шеърларимга,  
Уларнинг мақсуди, сарзамини — оқ.

Улар етиб борур қай манзил томон,  
Қай маъсум кўнглини балки поралар.  
Сенга етиб бормас фақат ҳеч қачон  
Шўрлик сатрларим...

Мирзо КЕНЖАБЕК

## МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистон Республикаси «Наврўз» ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари томонидан чиқарилган ўн марта ўйналадиган пул-ютуқли хайрия лотереясини сотиб олинг! Унда йил давомида 10000000, 5000000, 1000000 сўмлик ва ҳоказо жами 2 (икки) миллиард (!) сўмлик ютуқ ўйналади. Лотереядан тушган маблағнинг учдан бир қисми хаста дилларга малҳам бўлади. Миллий қадриятларимиз ривожига, маҳаллаларимиз ободончилигига сарфланади. Хайрия лотереяси — бу Сизнинг оилангизга, қўшиларингизга, маҳалла ва улуг Ватанингизга инъом этган саҳоватингиздир.

Хайрия лотереясининг ютуқлар тиражи «Оила ва жамият» газети саҳифасида бериб борилади. Ушбу лотерея ўйинида Сизга омад ёр бўлсин.

# ГҶДАКНИНГ АЙБИ НИМА?

Кечки сеанс. Экранда ҳинд киноси давом этапти. Зал томошабин билан лиқ тўлган. Барча ҳаяжон билан томоша қилапти. Ногоҳон олдинги қатордаги ўриндиқлардан бирида сигарет чекиб ўтирган аёл диққатини ўзига тортди. Аёл нима учундир тўхтовсиз ҳиринглаб қўларди. Аёлнинг ёнида, тахминанча эри ва чамаси 6—7 ёшлардаги ўғилчаси ҳам бор эди. Гўдак тинмай онасига талпинар, унинг бағрига ўзини ташлар, она эса бе-

парво эрининг пинжиге суқилиб, аҳмоқона қилиқларини давом эттирарди. Бу пайт жажжи жиғарбандининг эрқаланишидан кўра, эрининг сийлаб-сийлашларини устун қўйган аёл, гўдакнинг юзига тарсаки туширди. Кутлмаганда теккан тарсаки зарбидан ва онасининг даҳшатли важҳатида қўрққан бечора бола жим бўлиб, меҳрга ташна кўзларини тиккан ҳолда қотиб қолди.

Тарсаки гўё менинг юзимга теккандек сесканиб кет-

дим. Кейин қанча тиришмадин фикримни кинога қарата олмадим. Вақтнинг ўтиши қийин бўлди...

Хомуш бир аҳволда хонамга қайтдим. Ушандан буён гўдакнинг аянчли ҳолати кўз олдимда намоеъ бўлаверади. Уйлаб қоламан... Бечора боланинг айби нима? Онасининг юзидан тўйиб-тўйиб ўпмоқчи бўлганими?

Арслон ЭШМУРОДОВ

## «КҶНГИЛ ШОД ҲЛСА...»

Тошкентнинг Оқтепа маҳалла аҳли билан ўтказилган Жумҳурият Болалар жамғармаси, Тошкент шаҳар бўлими ва «Оила ва жамият» жамоасининг учрашуви Конституция кунига бағишланди. Маҳалланинг кекса отахону онахонлари дастурхон атрофида «Томоша»нинг қувноқ қўшиқларини мириқиб тинглаб, газет бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ифғин сўнгида баъзи ночор оилаларга совға-саломлар тоширилди.

## «МУСТАҚИЛЛИК» ОБТОВАЛАРИ

Билиб қўйганингиз яхши: Ангор туманида «Мустақиллик» жамоа хўжалиги бор, ана шу хўжаликда Нортажи Жўраев деган тadbиркор ҳунармандчилик сеҳи ташкил этган. Бу сеҳ хозир алюмин обтовалар ишлаб чиқармоқда.

Биз тарафларга йўлингиз тушса, Ангорга ҳам қўниб ўтинг, «Мустақиллик» обтоваларига қўл ювиш шарафидан бенасиб қолмайсиз,— деб хабар беради сурхони мухбиримиз.

## ЧОЛ-КАМПИРЛАР ИЗЗАТДА

Шеробод туманида юз ўринлик қариялар профилаторийси иш бошлади. Бу ерда ҳар палата бир кишига мўлжалланган бўлиб, унда турли жиҳозлар билан бирга телевизор ҳам бор. Даволаш муассасасида муолажа, физиотерапия, массаж хоналари ишлаб турибди. Чол ва кампирлар бу даргоҳда нанки мириқиб дам оладилар, балки меҳр-оқибатли шифокорлар кўмағида саломатликларини ҳам яхшилайдилар.

## «КОВУШИМ ЖОН, КОВУШИМ»


Ангорлик ишбилармон Жовли Эрқувватовнинг кичик корхонаси қўйма калиш ишлаб чиқармоқда. Шу «қишбоп» ҳамда камёб пойафзални кийган кишиларнинг завқи бисёр. Улар зўр бериб, димоғочлиқдан юқоридаги машҳур қўшиқни хиргойи қилиб қадам босишмоқда.

## ЯНА ТҶИ

Ўтган галги хабаримизнинг давоми сифатида айтмоқчимиз: Талабалар ва шифокорлар шаҳарчасида яна тўй бўлди. Конституция кун талабаларга ТошДД ва ТошДавТО касаб ташкилотлари томонидан текин берилган ошнинг таъми еган оғизларда, таърифи эса емаган оғизларда қолди...

## «ХАЙРИЯТ!»

дейишди, 1-Тошкент Давлат Тиббиёт олийгоҳи остонасида жойлашган 9-ошхонада овқатланаётган талабалардан бири, «Бугун ош ширин бўлибди»,— деди яна бири. «Эй, гуручнинг терса бўларкан-ку», жўр бўлишди бошқа талабалар ҳам.



«ЕТТИ ҲЛЧАБ БИР КЕС»

Абдул Ғани ЖУМА сурати

# БИЗ ҲАМДАРД ХАЛҚМИЗ

Бугунги ўтиш даврида ҳаёт анча оғирлашиб қолгани рост. Собик Иттифоқ даврида ўн беш республиканинг ишлаб чиқариш тизими — содда қилиб айтганда қозон-товоғи бир-бирига ўта боғлиқ қилиб қўйилганлиги туфайли мустақилликни қўлга киритган барча давлатлар турмуши ночорлашди. Барча мустақил давлатлар, жумладан бизнинг мамлакатимиз — Ўзбекистон ҳам улкан машаққатлар эвазига бўлсада ўз мустақил иқтисодиётини барпо этмоқда, фаровон турмуш учун замин ҳозирламоқда.

Ўзбекистон яқин йиллар ичида фаровон ҳаётга эришуви шубҳасиз. Зеро мамлакатимизда бош снєсат халқнинг тинч-осоишталлигини таъминлаш, ҳалол меҳ-

нат қилиб фаровон турмуш кечирish учун шароит яратишдан иборат деб белгиланди. Бунинг илк меваларини кўраяпмиз ҳам. Деҳқонда, нафақат деҳқонда, балки бутун бир халқда ерга нисбатан меҳр уйғона бошлади. Ерни «сийлаш» лозимлигини кўнгилларга тугмоқдамиз. Ерни сийлаган элни сийлайди.

Мамлакатимизда жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Республика Болалар жамғармаси, унинг вилоятлардаги бўлимлари бунда фаол иштирок этмоқда, бош-қош бўлмоқда.

Бу борада жамғарманинг Тошкент вилоят бўлими ҳам ибратли ишлар қилмоқда. У ўзи мавжуд бўлган беш йил мобайнида жами ярим

миллиард сўмликка яқин маблағ жамғариб, вилоятда яшовчи айрим етим-есир, хаста-бемор 3 минг нафардан кўпроқ болаларга, бева-бечораларга, етимхоналарга хайрия ёрдами кўрсатди.

Ушбу хайрияларни ўтказишда вилоят бўлимига мамлакатимиздаги кўплаб савобталаб корхона ва ташкилотлар ҳам маблағлари билан, ҳам сазй-ҳаракатлари билан ёрдам бериб келмоқда. Олайлик, биргина Мовароуннахр мусулмонлари диний бошқармаси 119 гилам, 60 полос, йигирма минг сўмликдан (арзончилик пайтдаги пулда) ортиқ бошқа буюмлар ҳадя этган бўлса, октябр ойининг ўзида Узтрансгаз, Нефтьгаз илмий олийгоҳи, вилоят Тайёрловсавдо корхоналарининг ҳар бири уч

юз минг сўмгача пул ўтказдилар.

Айниқса, Раҳмонжон Қамбаров бошлиқ Узинтранс автокомбинати, Ваҳобжон Бургатов бошлиқ Ўзбекистон — Россия — Македония қўшма корхоналари кўп хайрли ишлар қилмоқда. Жумладан, В. Бургатов вилоят бўлимига ўз жамоаси билан ҳам жиҳатликда 2107 маркали «Жигули» автомашина ҳадя этди. «Гулдаста», «Садо» қўшма корхоналари номини


ҳам алоҳида тилга олиб ўтиш лозим.

Усиб келаётган ёш авлод келаҳагимиз. Хайрия ишига қўл урган ҳамюртларимиздан ҳамиша миннатдормиз. Савобталаб инсонларга вилоят болалар жамғармасининг ҳисоб рақамини эслатиб ўтаемиз: Р/с 000700417 МФО — 172632304. Марказий банкнинг Юнусобод бўлими, Тошкент шаҳри. Тел: 39-10-

ВАЛИЗОДА



# МЕН ТУШУНИБ



Х. МИРЗАКАРИМОВ сурати

## МЕН СЕВГАНМАНМИ!..

Шундай дейишга дедим-у ўйланиб қолдим. Инсоннинг севиши шартми? Кўп ўйландим, ўйлаб нималарнидир йўқотдим, нималарнидир топдим ҳам.

тушунтирмоқчи бўлдим, тушунтиролмадим. Балки у тушунгандир. Лекин мен ўйладимки, у мени тушунмайди, йўқ у тушунган эди, мен уни тушунмасдим. Чунки у гунг эди. Оре рост, гунг эди. У болани хотирлар эканман

Қалбимда нимадир уйғонгандек туюлди...

Мен севдимми, наҳотки?.. Саволлар мени бир эшик остонасига етаклаб кела бошлади. Жисимда ҳосил бўлган илинжлар мана шу эшик олдида сим-сим тўкилди. Мен тушунмадим. Менинг тушунмаслигим эса кўп нарсани тушунтиргандек эди. Кузатишларим орқаваротида шундай куч жамулжам эдики, бу мия қобиқларининг етмиш минг томиридаги биргина торчасида нутқ бўлиб жанранглай олмасди. Мен қарахт эдим, телба эдим...

Юрак — етмиш томирининг ҳар бирида юз минглаб меҳр борлиги, бу эса уни кимнидир меҳр билан боғлашига кимгадир уни ҳада этишга, ўзига нисбатан ҳам шаклантира олишга қодир эканлигидан бир нишона эдимки? Ҳар қалай...

«Муҳаббат — у аслида илоҳий неъмат». Инсонни бошқа дардлардан қутқариб турувчи илоҳга нисбатан уни унутмасликни, ҳар сонияда унга қадар талпинишни, баъзи эҳтиросларни инсон қалбига сингдирувчи нарса бўлса, фақат шу сўзлар билан мен ўзимни чағлитган бўлсам... Мен севганманми? Айтинг-чи, мен севганманми?

## УЗГАНИНГ МУҲАББАТИДА

Узим тенги бола билан бир пайтлар тасодифан танишиб қолган эдим. Биров-бировимизни кўча-кўйда учратиб қолгудек бўлсак, истар-истамас кўришиб, яна шу тарзда хайрлашардик. Бора-бора мен уни яқиндан ўрганиб, унга нисбатан меҳрим илий бошлади. Кейинчалик эса у менинг энг яқин одамимга айланди. Яқин кўрганымдан унга нималарнидир

кўз ўнгимда бир сурат қайта жонлангандек бўлади. Изтироблардан, қайғулардан, кўз ёшлардан, нолаю оҳлардан яралган — кўзларимда муҳрланиб қолган бир сурат. Вужудим бир титраниб ўтади ўйларим у ҳақда ўйланса. Улар улаиб кетади: У оқимдан келган, қора соч, қора қош бир ўктам, келишгангина йигит эди. Рангнинг тозаллиги қалбининг поклигидан бўлса керак. Кишини ўзига тортиб турадиган нимадир бор эди. Гарчи дўстлар даврасида у бизнинг суҳбатларимизга қўшила олмас-да, кўзлари билан бизга ўз фикрини уқтирар, талашиб тортишар, охири ҳеч бўлмаса қўл ҳаракатлари билан тушунтиришга тушиб кетарди. Қайғуимизга ҳам шодлигимизга ҳам шерик эди. Аммо... унинг да, бизнинг да ҳаётимизда ўзгариш ясаган бир воқеа содир бўлди. У бир қизни севиб қолганди. Севиб қолган у-ку, бизларга нима дейишингиз мумкин. Йу-ў-қ. Бу безабон муҳаббатга биз ҳайрону лол эдик. У қиз ким? Дўстимизнинг севгисини унга қандай қилиб етказамиз? Уни сўроққа тутамиз: унинг бармоқлари, кўзлари бизга у қизни таърифлай бошлайди. Буниски, аён бўлди, хўш, энди бориб у қизга нима деб айтаемиз? Учовлашиб йўлга тушдик. Кираверишда мактаб пештоқидаги ёзувларга ҳам эътибор бермабмиз. Энди сўраб-сўриштирмоқчи бўлганимизда унинг ўзи йўлакка чиқиб қолди. Ишимизнинг энгил кўчанидан суюниб шошиб-пишиб унинг олдида югурдик. Бу «шарафли» вазифани бажаришни мен ўз бўйнимга олган эдим. Тутила-тутила унга бор гапни айтдим. У дўстимнинг кўзларига тикилганча, индамай турарди. Яна тушунтирмоқчи бўлдим. У қўл силтади-да биздан нари кетди. Ҳеч бир сўз

демади. Биз дўстимизнинг тили ожизлигини билади шекилли, шунинг учун севгисини рад этди деб ўйладик. Бошимиз гангиб ортга қайтдик. У шу кеча ухлай олмади. Йиғлашдан бошқа чора йўқдай, қўлларини бир қадар юқори кўтариб, илтижо қила бошлади. Олис-олислардан нимадир кутаётганди. «Мен уни... мен уни»... дилдан тилга кўча олмаган бу сўзлар ёлғиз унинг Оллоҳга илтижо қилиб кўкка чўзилган қўлларига тўкиларди, нигоҳларида аксланган суратни кўз ёшларига ювинтириб таскин толмақ истарди. У мен каби нимадир йўқотиб, ўшандан ниманидир топганди. Балки у энг улуғ нарсани ўзидаги қалб талпинишининг янада авж олиши билан чеклаб илоҳийликни қизнинг нигоҳларидан излаётганди.

## БУ ҚИЗ КИМ БЎЛДИ!

Оддийгина бир қиз. Унинг оддийлигида нимадир яширин. Нима-а-дир, фалак уни гулга муқояса қилиб яратганди.

Унинг тили ожиз эканлигини рўнақ қилганида, ўзининг ҳам шундай эканлигини ҳаяжонланганидан унутиб қўйганди. Мен тушунмаган имо-ишоралар орасида бир нарса алангаланган эди. Уларнинг нигоҳлари учрашганида қиз йигитга шундай қараш қилгандики, бу нигоҳлар сўзлаётган сўзларга кўз тикиб-қулоқ тuting, мен ҳеч нарсага тушунмаган эдим. Қиз ўзининг гўзаллигини унутган, тили ожизлигини эса хунуқлик деб биларди. Эҳ... гулда забон бўлганида эди, булбул унинг ишқиде шунчалар зор-зор йиғлаган бўлармиди?

## УЗИЛИШ

Йигитнинг гўдранганидан баъзан зеркибиб кетардим. Чехрасида маҳзун-

нинг ёлғиз тилаги ў-ш-ш-а бир сокин, бир маъсум севгисининг уни ҳам севиши, севилиши эди.

## БИР КУНИ

Бир кун у билан бирга қиз яшайдиган маҳаллага йўл олди. Бизни бир оз ўнғайсизликка солган нарса шу бўлдики, иккита гунгнинг бир-бирига бўлган муносабатларини эшитган жамми маҳалла аҳли жуда қизиксиниб қолганди, ҳаммамнинг кўзи бир қадар бизга қадалганди. Уни кўришга жуда ошиқардик, йўқ у ошиқарди. Ва ниҳоят... оҳ... Гоҳида қувонч, гоҳида қайғу етаклаб келгувчи тасодиф бу гал Илоҳнинг амрига бош эканди. Ва... Бахтнинг лабиде қаҳ-қаҳ урганча кўларди. Тиллар сўзлашарди. Диллар сўзлашди. Забонсиз нигоҳлар бир-бирларини сўзсиз тушунгандилар. Бу дил суҳбатларининг ибтидоси эди.

## КЕЙИНГИ КУНЛАР

Йигит бу кунлардан шундай энтикар эдики, тили ожизлигини унутиб ҳам қўйганди. Кўзларимга қараб қафтларини юқори кўтариб, бармоқ учларини ўзининг кўзларига ва менинг кўзларимга суртади. Бу билан у мендан қанчалик хурсанд эканлигини билдирмоқчи эди. Уша пайтда энг бахтиёр ва энг бахтли киши эди у.

## НИЯТ ВА НАСИБ

Кунлар ўтиб бир кун уларнинг тўйларини кўриш истагиде эдим. Е насиб дейишни унутиб қўйган эканманми, ҳар қалай насиб қилмади. Уларни бир-бирига етказганга шукр деган эканман холос...

## СЎНГИ ХУЛОСА

Инсоннинг севиши шартми? Мен учун бу савол ҳамон жумбоқ. Рўҳим рангин хаёллар тизгинлари ичра фарқ бўлаётир. Мен яна ўйланиб қолдим. Мен сўзлай оламан, сўзлай биламан. Нутқим ҳам заиф эмас, лекин муҳаббатни изҳор этувчи тилим ожиз.

# ЕТМАГАН МУҲАББАТ

ликдан бошқа ҳеч нарсани уқиб бўлмади. Гўёки бутун вужудини рўҳий тўлоққа тутаетгандек. Сийрати тилга айланиб ўзининг ожиз муҳаббати ҳақида сўзлаётгандек эди. У севиб қолганди. Севарди. Ундаги тиланич қалб-

Мен муҳаббатни қандай изҳор этай? Нигоҳимдан англаб ололмайди. Мен ожизман.

Олим БЕКНАЗАР



УМАР ҲУТУРҚМАН:

# «ИЙМОН БИР НАСИБ...»

Инсоният тарихи неча минг йилдан бери бирорта ҳам инсоннинг тасодифан тирик қолганлигига шохид бўлмаганлигидан, ўлим ҳаётнинг муқаррар бир интиҳоси, тирикликнинг бир гоёси эканлиги англашилмоқда. Шундай эканга қарамай, ана шу инсонлик ҳофизаси, бутун инсонларнинг «ўлимсиз бир умр», «абдий бир ҳаёт» орзу-и ичда яшаганликларини кўрсатмоқда. Минглаб йиллар давомида айрилиб келаётган «Оби Ҳаёт» сўзини ана шу орзунинг ифодаси, деб айтиш мумкин. Ичганларни абдий ҳаётга қовуштириши айтилган мазкур «ҳаёт суви» афсонаси Ер юзидаги барча миллатларнинг кўҳна ва ҳақто замонавий адабиётларида ҳам қайта-қайта мурожат қилинган мавзулардан саналади.

Ҳалимисизлик, абдий ҳаёт ва Аллоҳ севгисини ифода этган бу сўз, тасаввуф адабиётида ҳам энг кўп қўлланилган образлардан биридир. Бугун эса, бу тилсимли сўз, асримизнинг илм ва технологияси тўғрисида ҳофизаларимиздан бутунлай ўчиб бормоқда ва унинг ўрнини шу кунларда ўзининг энг юқори нуқтасига чиққан яшмоқ севинчи, яшмоқ ҳирси эгалламоқдадир. Яшаш, дунёнинг бутун лаззатларидан баҳраманд бўлиш, ҳаётни севиш ва уни мумкин қадар узайтириш моддиятчи инсоннинг идеалидир. Яшмоқ севинчи, замонамиз ғарб инсонларининг бир нави дунёқарши ҳамдир. Зотан, ўлимдан сўнгги ҳаётнинг борлигига ишонмаганлар учун бундан ҳам бошқачароқ дунёқарашнинг бўлиши мумкин эмас. Шу туфайли ҳам инсон умрини узайтириш, азобсиз, машаққатсиз, енгил-елпи бир дунё ҳаётини яратиш замонавий илм ва табобатнинг бор кучи билан ёпишган бир мавзусидир. Медитсина соҳасида бу йўналишда инкор этиб бўлмайдиган ютуқлар қайд этилмоқда. Инсон ўртача умрининг кейинги қирқ йил ичда уч ярим йилга узайтирилиши юраги яшмоқ севинчи билан тўлиб-тошган бир гуруҳ дунёпарастлар учун маънавий юксалиш сифатида намоён бўлмоқда. Сунъий юрак ва сунъий буйрак амалиётлари эса минг йиллик умр ҳақидаги ширин ҳаёлларнинг ҳақиқатга айланаётганлигининг муждаси бўлмоқда, ғўки.

Илм имкониятларининг чексиз эканлигига астойдил ишонаётган айрим инсонлар, тиббиёт соҳасидаги ютуқларнинг келажақда ўликлари ҳам тирилтиришидан, ўлимсиз бир ҳаётга эришиш мумкин эканлигидан умидвор бўлишмоқда. Буларнинг ҳаммаси «абдий» бир дунё ҳаётининг шаклланаётганидан далолат беради. Зеро, фаннинг ўзи ҳам ўлимни, яна ҳам тўғривоғи, ҳаётнинг интиҳосини мутлақо қочиш мумкин бўлмаган бир ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда.

Улим, шубҳасиз, қочиб қутулиб бўлмайдиган бир оқибатдир. Аллоҳнинг буюргани каби:

«Куллу нафсини занкатул мавт»

Яъни:

«Ҳар нафс ўлимни тотиб қуради»  
Медитсина бундан ҳам буюроқ ютуқларни қўлга киритиши мумкин. Ҳатто шундай давр ҳам келиши мумкинки, ўлганлиги табобат нуқтаи назаридан мутлақо тасдиқланган инсонлар қайтадан жонлантирилиб, узоқ мuddат ҳаётларини давом эттиришлари ҳам мумкин. Аммо бу каби ёлғончи ўлимдан сўнгра янгидан ҳаётга қайтган инсон деган борлиқнинг ҳақиқий бир ўлимни мутлақо тотиб кўриши ва бу ҳаёти дунёни ҳеч қачон қайтиб келимайдиган бўлиб тарк этиши муқаррардир.

Яшмоқ севинчи ҳамда дунё ҳаётининг ҳирсига берилган моддиятчи гуруҳлар, келажақда медитсинанинг инсонларни ҳаётга қайтариши ҳақидаги ҳаёллар билан Аллоҳни инкор қилишда ҳам юқори нуқталарга кўтариладилар ва ўлимсиз ҳаётнинг бир кун ҳақиқатга айланиши мумкинлиги ваҳмида замон билан бўғишадилар. Яшаш ҳирси ва дунёвий ҳаётнинг жозибалари уларнинг кўзларини кўриб қўяди, ўз борлиқларининг ҳақиқатини ҳеч қачон англаб етолмайдилар. Аллоҳ Таоло уларнинг қулоқларини ҳамда қалбларини муҳрлаб қўйганлиги учун ҳам Қиёмат кунига ва БАЪСУ БАЪДАЛ МАВТ га ишонмайдилар; шунингдек, бутун билганларининг пуч бир ҳаёлдан иборат эканлигининг ҳам фарқи бормайдилар. Ҳа, медитсина ривожланади, инсонларни ўлгандан кейин яна қайтадан жонланганликларини, тирилганликларини ҳаёл қиладилар ва ўлимсиз

бир дунё ҳаётининг ҳаёл ва тасаввулларига бериладилар. Уларга қолса, замон деган шафқатсиз чиритувчи бир офатни ҳам енгадилар ва шундай йўл билан абдий ҳаётга қовушадилар. Шуниси ҳам борки, бу инкорчи инсонлар бир кун Қуръони Каримнинг бир мўъжизаси билан юзма-юз келган тақдирларида ҳам ўз ҳаёлларида собит қолган ҳолда аввалги инкорчиликларини давом эттириверадилар.

«Дедаларки: «Дунё ҳаётимиздан бошқа ҳаёт йўқдир. Ҳаёт фақат ундан иборатдир. Уламуз ва яшаймиш. Бизни бошқа бир нарсасиз эмас, балки Даҳр (замон) ҳалок этмоқда.»

Фақат улар бу ҳақда ҳеч нарсасиз билмаслар. Улар ҳаёл сурмоқдалар, холос.»

Оятдаги «Намуту ва Наҳйа» жумласи ҳозиргача эски ва янги бутун маол ва тафсилларда «Уламуз ва яшаймиш» деб олинади. Байзовий, Жалолов ва Мадорик тафсилларида ҳам «Наҳйа» калимаси «яшаймиш» сифатида олинган ва дунёвий ҳаёт билан боғлиқ бир яшаш тарзига нисбат берилгандир.

Асосан, оятнинг бошида «Дунё ҳаётимиздан бошқа ҳаёт йўқдир» ифодасининг кегиши, «Наҳйа» сўзининг «Дунё ҳаётини яшаймиш» маъносиде келаётганлигини билдиради.

Оятнинг мазкур жумласини яна бир марта кўздан кегирайлик:

«Намуту ва Наҳйа»

«Уламуз ва Яшаймиш»

Улимдан кейин янги бир дунё ҳаётининг мавжуд бўлолмалиги ҳақидаги ҳақиқатга суянадиган бўлсак, оятнинг:

«Наҳйа ва Намуту»

«Яшаймиш ва Уламуз»

шаклида арабчадаги сўз тузилиши қоидаларига кўра, қўлланилиши тўғри бўлмайди? Йўқ. Матнда «Намуту ва Наҳйа» шаклида келмоқдаки, шубҳасиз, энг тўғриси ҳам Аллоҳнинг деганидир.

Фахриддин Розий ҳазратлари «Мафотиҳ-ул Ғайб» номли асарларида юқоридаги ояти каримани «Биз уламуз, ўғилларимиз яшар» шаклида тафсир этганлар.

Мен, Фахриддин Розий ҳазратлари сингари буюк муфассирларнинг оёқларининг чанги ҳам бўлолмайман. Улар ёлғиз илмлари билангина эмас,

балки қалб кўзлари билан ҳам бор ҳақиқатларни кўра олганлар ва улардан қаноат ҳосил қила олган инсонлар эди. Не тонгики, тафсир иши бизнинг чекимизга тушмаган экан.

Менинг бу ерда таъкидламоқчи бўлган нарсам, ояти Каримнинг бугун, биз ҳаётимизда шохид бўлаётган бир ҳақиқатга ишора қилаётганлигидир. Позитивист дунёқарашга берилган моддиятчи инкорчиларнинг бир неча юз йилдан буён «Илм шундай ривожланадигани, бир кун келиб, инсонлар ўлимга ҳам чора топадилар» шаклидаги даъволарининг 1400 йил олдин Аллоҳ Таоло бу оятда бир мўъжиза сингари хабар қилинганлигини, наҳотки, англаб етолмас!»

У даврларда, бугунги табобатнинг реаниматсион методлари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Инсонларнинг келажақда, фаннинг даъво қилгани каби, ўлгандан кейин яна тиббий чоралар билан вақтинча бўлса ҳам тирилтиришлари, ҳақиқатан ҳам ўлиб, тирилганликларига, ишонилари ва шу аснода «Мана, ўляпмиш ва қайтадан тириляпмиш» дейдиган бир куйфр даврининг келишига, у замон инсонларни ишонтириш, ҳар қалай, осон бўлмас эди.

Оллоҳ Таоло бизга лутф этган ояти билан юрак уришлари ҳамда қон айланишлари тўхтагандан кейин ўликлар қаторига қўшилган баъзи хасталарнинг тиббий тадбирлар билан вақтинча бўлса ҳам жонланганликларини кўрганларидан кейин, инкорчиларнинг «Мана ўляпмиш ва тириляпмиш, бизни фақат Замон ҳалок этмоқда» дея Унинг тенги бўлмаган Зотиға қарши бош кўтаришларини билдирмоқда. Аммо уларнинг бу ҳақда ҳеч нарсасиз билмасликлари, фақатгина ҳаёл сураётганликлари ҳақида Жаноби Ҳақнинг ўзи оят сўнггида хабар бераётир:

«Дедаларки, «Дунё ҳаётимиздан бошқа ҳаёт йўқдир. Ҳаёт фақат ундан иборатдир. Уламуз ва яшаймиш. Бизни бошқа бир нарсасиз эмас, балки Даҳр (замон) ҳалок этмоқда. Фақат улар бу ҳақда ҳеч нарсасиз билмаслар. Улар ҳаёл сураятдилар, холос.» (Жосия:24)


Қуръони Карим 1400 йил муқаддам хабарини берган бу ҳолни замонамиз ва келажақ замонларининг инкорчилари англаб етмасалар, ана шу мўъжизани ҳам инкор қиладиган бўлсалар, бизнинг уларга айтадиган бошқа гапимиз қолмайди. Фақат бир авлиёнинг айтгани каби, иймоннинг бир насиб масаласи эканлигини эслаймиз ва уларга ҳам эслатишга ҳаракат қиламиз.

Турк тилидан Паҳлавон СОДИҚ таржимаси  
Туркия

Аҳмад ЯССАВИЙ

## ҲИҚМАТ

Қаро кундур ўшал соатки дунёдин сафар қилсанг,  
Зану фарзанд, молу мулкнинг — барисидин гузар қилсанг.  
Сани қўймас ажал ҳаргиз неча ҳукминг равон бўлса,  
Ҳукумат бирла оламин агар зеру забар қилсанг.  
Муҳосилдур халойиқға ажал мисли сипоҳлардек,  
Ғазаб бирла олур жонинг неча мо зорилар қилсанг,  
Бўлибдур барчага фармон ўлумини шарбатин ичмоқ,  
Қочиб ондин қутулмассен неча ондин ҳазар қилсанг.  
Халойиқнинг мазорига бориб бир-бир тамоша қил,  
Ўлуқлардин олур ибрат, керак бағринг кабоб қилсанг.  
Ҳамиша яхшилик қилгил, кетарсен ушбу дунёдин,  
Қиёмат обрўйига керак хуни жигар қилсанг.  
Худо фармонини тутган бўлур ул авлиёлардин,  
Бўлурсен авлиёлардин ривозат кўброқ қилсанг.  
Қувонма молу мулкнингга қуритур бу ажал охир,  
Қаро ерга кирурсен охир неча мо карру фарр қилсанг.  
Хожа Аҳмад, маъсият бирла ҳаётинг қилмагил зое,  
Бўлурсен лойиш ҳазрат асар тоат саҳар қилсанг.



БАҲОРНИ СОҒИНДИМ, БАҲОРНИ  
ҚУРГАНДА ДАЛАЛАР, ҚИРЛАР ТУЛА ҚОРНИ...  
Р. АЛЬБЕКОВ сурати

Азизлар! Бу дил сўзларимиз, изтиробларимизни сизларга ошкора айтиётганимиз учун айбга бюрмассиз.

Биз Самарқанд вилояти, Пастдаргом тумани, Найман-обод қишлоғида яшаймиз. Оилалик бўлиб тинч-тотув яшаётганимизга ҳам кўп йиллар бўлди. Оллоҳга минг шукрлар бўлсинки биздан марҳаматини дариг тутмади. Ҳеч нарсадан камимиз йўқ, фақат биргина тирноққа зормиз. Гоҳида газета ва журналларда, радио-телевизорда боласини ташлаб кетатган, хўраётган ота-оналар ҳақида эшитсак кўнглимиз сел бўлиб кетади. Ҳар бор ўша болаларни тарбиямизга олгимиз, кўнглини ўқитмагимиз келади. Агар сиз шу тўғрида бирор хабарга эга бўлсангиз ёки ота-оналари ташлаб кетган норасида гўдаклар қариялар қўлида қолган тарбия қилиш, боқишга қийналаётган етим-есирлар бўлса бизга хабар берсангизлар, Биз бир ўғил ва бир қизни ўз бағримизга олиб тарбиялашни ният қилганмиз. Шояд, шу орзуларимиз амалга ошса сизлардан бағот хурсанд бўлардик.

Тел. 39-43-95.

### ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Кир бўлган ёмғирпўш сув ва нашатир спирти аралашмасида осонроқ тозаланади.

Сирли идиш ва товадаги куйиндиларни пичоқ билан кириб тозалашга шовилманг... Идиш-товоқларни каттароқ идишга солиб, устидан сув қуясиз, кейин совунни майдалаб унга қўшиб қайнатсангиз кифоя.

Болалар велосипед минишини яхши кўрадилар. Велосипеддан тўғри фойдаланиш болаларнинг чиниқишига, таналарининг ривожланишига ердан беради.

Бола велосипед минса оёқ-кўл муқкуллари яхши ривожланиши билан бирга, қон айланиши, нафас олиши яхшиланади, бақувват бўлади, чиниқади.

Баъзи болалар катталар велосипедни бир оёғини рама орасидан ўтказиб ёки эгарсиз миниб юради. Бундай ҳаракат натижасида боланинг гавда тузилиши бузилади.

Қиз болаларнинг ҳам велосипед минишлари фойдали, бироқ улар ўзларини ортиқча чарчатмасликлари керак.

Одам бир текис вояга етганда 20-21 ёшга бориб бўйи аксар ўсиб бўлади, аммо куч-қувват ошаверади. Баъзи йигит ва қизлар эртароқ вояга етиб, 15-17 ёшга тўлгандаёқ бўйи ўсмай қўяди. Паст бўйлик ирсий ёки оилавий хусусият бўлса (буни врач аниқлайди) бўй ўстиришнинг иложи йўқ деса бўлади. Паст бўйлик кўпинча мия ортиги (гифофиз) деган безнинг етарли ишламаслигидан келиб чиқади.

Қалқонсимон без билан буйрак усти безларининг касалликлари кўпинча болаларнинг ўсишига таъсир кўрсатади. Бу касалликлар ўз вақтида даволаниши билан болалар яна нормал ўсиб кетади. Успирин йигит ва қиз кундалик режими сақлаб ва организмга зарур витаминларни, жумладан витамин А билан витамин Д ни врач кўрсатган миқдорда истеъмол қилиб, бўйини пича «чўзиб» олиши мумкин.

Тумовни даволаш учун бир чой қошиқ асалга уч қошиқ қизил лавлаг суви (шираси)ни қўшинг. Бурунга кунига уч-тўрт томчидан томизиб турсангиз, дарддан буткул фориғ бўласиз.

Янги саримсоқпёз бўлақларини ликобчага солиб, тўшакдаги беморнинг бош томонида қўйилса, унинг соғайишини тезлаштиради.

### Дераза

#### ТАРИХИЙ ҚАРОР

Туркия жумҳурияти Ҳарбий Қуролли Кучлари яқинда тарихий бир қарор қабул қилди. Қарор террористларни ёппасига йўқ қилиш ҳақида. Бу қарорнинг қабул қилинишига кейинги вақтларда террористларнинг ҳаддан ошиб кетган босқинчилиги ва тинч аҳолини ўлдириш сабаб бўлди. Қуролли кучлар кўмондони оргенерал Доған Гуреш: «Бу қадар жон беришимиз етар. Энди бу террористларни тағ-томирчи билан йўқ қиламиз. Аслида бу қарор янаям олдинроқ қабул қилиниши керак эди» — деди.

#### ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Туркияда чиқадиган Оврүпо ва Осиё турк жумҳуриятлари Ташқи тижорат вилузининг «Ипак йўли» ойнамаси ағуст сонини мамлакатимизга бағишлади. Унда жумҳуриятимизнинг биринчи президенти ҳақида, ўзбек халқининг ўтмиш тарихи, миллий урф-одатлари, либослари ва бугунги куни ҳақида батафсил маълумот берилган.

#### Б. БХУТТОНИНГ ҲОКИМИЯТГА ҚАЙТИШИ

Шу кунларда Покистон халқи Беназир Бхуттонинг иккинчи марта Бош Вазир бўлиб сайланишини қутламоқда. 121 овоз олиб сайловда ғалаба қозongan Покистон Халқ Партияси, партия бошлиғи Бхуттони вазириликка сайлади. Бхутто: «Бу — бир тарихий воқеадир. Покистон тарихида бир киши иккинчи марта Бош Вазириликка сайланди» — деди. Бхуттонинг отаси Зулфиқор Али Бхутто халқ тарафидан сайланган илк Бош Вазир эди. Уч фарзанднинг онаси, 40 ёшдаги Беназирни иккинчи ғалабаси билан биринчи бўлиб собиқ Бош Вазир Намоз Шариф қутлади.

#### А. АБДУЛАЗИЗ ТУРКИЯДА

Узининг ҳайрон қоларли башоратлари билан XX асрнинг Нострадамуси деб тан олинган астролог олим, доктор А. Абдулазиз шу кунларда Туркияда. У астрологияга қизиққан турклар тарафидан ҳар ерда ҳурмат билан қаршилланмоқда.

Рустам МАРДОН  
Туркия

### Оила

#### 30 ЕШДА

У умр бўйи покиза яшади. Тақдир-пешона сабабми, ишқилиб ҳамон ёлғиз. Унинг ҳаёт ва турмуш ҳақидаги орзу-армонлари самимий ва тоза. Уни тушунган, меҳрига сазовор бўлган инсон маънавий гўзал хазинани топади. У ҳақида: ўрта бўйли, мулоғим, болаларни, яхшиларни яхши кўрадиган, олий маълумотли, Тошкент вилоятилик ўқитувчи қиз, тушунган, софдил, меҳнатсевар, оилапарвар йигит билан танишиб, оила қуриб, бахтли яшаб кетишни истади. «Оила-272».

#### 28 ЕШДА

Тошкент вилоятининг Паркент туманида яшайман. Маълумотим олий, уйланиб ажрашганман, ниятим гўзал, оқила 20—28 ёшгача бўлган қиз билан танишиб, бутун умримни унга бағишлашдир. «Оила—273» мактубларингизни нитизорлик билан кутади.

НОЛПЕ



ЛАЪЛИ ЛАБИНГДАГИ ГУНЧА ТАБАССУМ...

Х. МАМАТҚУЛОВ сурати

### Табриклаймиз!

**ЗОҲИДОВ** Неғматулла Абдуллаевич!  
Табаррук ёшингиз, 14 декабр, тугилган кунингиз муборак бўлсин! Ҳамиша бардам, ҳамшиша соғ-саломат бўлинг, Яхши кунларимиз СИЗ билан, СИЗнинг бағрингизда ўтишини Оллоҳдан тилаб. СИЗнинг МАЛИКАНГИЗ, СИЗнинг фарзандларингиз.



Дўстгинам Содиқжон! Сенга бир олам эздулик, боқий умр, оилавий бахт, ҳаётий харомат, диёнатли йўл тилаб дўстларингиз: Абду-


олим, Собир, Зайниддин, Шопўлат.

Она, жоним омон, ўқишларим соз, Боғлаб қўйди, кўзим шаҳар ва хона. Қанча ёзганларим етмай бозма-боз Сени соғиняпман соғиндим она. М. Т.

Хонадонимиз зийнати, биз учун жондан азиз бўлган падари бузуқворимиз РАШИД САФАРОВ ва мунис, меҳрибон онажонимиз СОФИЯ САФАРОВА!

Сизларни 6 декабр ғавалуд топган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Саодат сизларга ҳамшиша ёр бўлиб, кўргангиз тўй, еганингиз ош бўлсин, неки ният қилган бўлсангиз ҳаммаси сизга йўлдош бўлсин, бизнинг бахтимизга доимо соғ-саломат бўлиб, илоғ, пирри бадавлатлик Сизларга на-

сиб этсин, деб сизларга самимий дил қўтловларини «Оила ва жамият» газети орқали фарзандларингиз номидан йўлловчи узоқдаги толиба қизингиз ГҲЛЧЕҲРА.



Азиз укаларим АНВАР-ЖОН (П-ТОШМИ), АЛИ-ШЕРЖОН (ТошДД толиби)! Сизларни яқин кунлар ичида кириб келаётган тугилган кунларингиз билан қутлайман. Сизлар халқимизнинг оғирини енгил қилдиган ажойиб шифокор, муаллим бўлиб етишишларингизни тилаб қоламан. Оллоҳим сизларни ўз паноҳида доимо асраб, бахт-саодат ҳамшиша ҳам-

роҳингиз бўлсин. Хонимжон РАҲАБОВА, «Амударё ҳақиқати» рўзномаси бош муҳаррири.

Қимматли собиқ ҳамкурс-ларимиз Зиёдулла МУМИНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ! Бир йўла иккалаингизни ҳам тугилган кунларингиз ила табриклаш билан бирга қадрдон ошналарингиз учун «ката» дастурхон аτροφиди каттароқ ош қилиб бериши имкониятингиз борлигини ҳам эслатиб ўтаман. Совғасаломи биздан албатта. Ниятимиз — хонадонингиз баракали, тотув бўлсин. Болаларингиз кўпаяверсин.

Сабоқдошларингиз. Тошкент шаҳри.

ТЮОнинг 5-курс талабаси ЗИКРИЛЛО синглиси ЗАЙНАБОЙНИ 16 ёшга, укаси ЕҚУБЖОННИ 4 ёшга тўли-

ши билан қутлаб, уларга соғлиқ ва бахт тилайди.

Изоҳ: Оила-53, 162, 252, 201 тахририятдан мактубларингизни олиб кетишини сўраймиз.

«ОИЛА-247» тартиб نومердаги қизимизни яқинда бўлиб ўтган никоҳ тўйлари билан самимий табриклаймиз. Келажакда ҳавас қилса арзигудек ибратли оила, етти қизингиз, етти ўғилнинг ота-онаси бўлинглар. Сизга ҳурмат ва эҳтиром ила: «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» газети ходимлари

ИЗОҲ: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Самарқанд қиносида яшовчи муаллим Нодирахон! Сизни тахриримизнинг «Оқла» бағиши келиб учрашиб, ни ялтмос 39-43-95 ном қилинг.

Биз ҳозир қандай асрда яшаймиз? Еки бўлмаса қандай аср бўсағасида турибмиз? Атом асрими? Фазогирлар асрими? Турли-туман сеҳргарлар, фолбинлар, қушнотлар асрими? Қандай аср тугаб бораётган, қандай аср тонги отмоқда? Чамаси, сўнгги йиллар фолбин ва қушнотлар, экстрасенсларнинг йиллари бўлиб қолмоқда.

Бу жараён бошқа ерларда қандай кечган — буни билмадигу, лекин бир вақтлари Сурхондарёда ёшми, кексами, бирор киши аллатовур гапларни айта бошласа, вақт-бемаҳал уйдан чиқиб кетарсиз, бошқалар ёқасини тутарди: «Фалончининг ҳуши қочиб-

вилоят халқ табобати марказининг бошлиғи Умида Норбоева. — Бу нарса яхшими, ёмонми, энди ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг.

— Умида опа, тиббиётда синдром деган ибора бор. Яъни бирор касаллик учун характерли аломатлар мажмуи. Сизнингча, ҳозир вилоятимизда фолбин, қушнот, сеҳргар, яъники экстрасенс бўлиш синдроми кенг томир ёзмаётганими?

— Фикрингизга қўйилса бўлади. Чунки мен юқоридаги гапни бекорга айтганим йўқ.

Дарвоқе, халқ табобати маркази раиси У. Норбоева касб-корига кўра

нинг айтишича, ёши қирқини қоралаб қолган. Қуюқ, тимқора соқол-мўйлови ўзига ярашиб тушган. Устида бекасам тўн. Умида опа эса «Виталий беморларнинг руҳини даволаш билан шуғулланади, натижаси ёмон эмас», деди. Иил бошидан бери унга уч мингдан ошқ бемор муружоат қилибди. Виталийнинг даволаш услуби: бўғимларни, томирларни уқаларкан ва яна... дуо ўқиб, беморларга таъсир кўрсатаркан.

— Аввало беморнинг руҳини даволаш керак. Танани даволаш қийин эмас, тана ўзини-ўзи даволайди, — дейди мулло Виталий. Сўнгра у ғала-

Экстрасенсларнинг эса бу билан ишлари йўқ. Инсу жинслар уларнинг кўзига дарров бурама шохли қўқор ёки икки ашар ҳўкизчани кўрсатаверади. Бундан эса даргда йўлқан одамнинг дарди ошса ошадми, тузалмайди. Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатаптики, экстрасенслардан халқ учун фойдадан кўра зиён кўп. Бу — маники гап!

Ҳарибир бир нарса одамни чуқур ғамга ботиради: одамларимиз нега фолбин, сеҳргарлар, жодугарлар ва қилаётган ишнинг, айтётган гапининг тағига етиб улгурмаган кишиларнинг таъсири доирасига тушиб қолмоқдалар? Нима бало, инсу жинсларнинг қуввати ошдими, бандаларнинг қуввати хофизаси пасайдими, руҳнинг, вужуднинг поклигига шунчалар пугур етмиди? Нима гап? ўзи! Шу ўринда улуг Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васалламнинг бир ҳадисларини эслаш жоиздир: «Ирим қилувчи ёки ирим қилдирувчи, фолбинлик қилувчи ёки фолбинга борувчи, сеҳр қилувчи ёки сеҳр қилдирувчилар бизлардан (яъни мўмин) эмаслар».

Тўғри, вилоятнинг Ангор туманида яшовчи Гулнор, Сафия фолчилар, Олтинсой туманидан Озода фолчилар, беморларнинг томир, бўғимларини уқалаш йўли билан наф ҳам қилаётирлар. Қумқўрғонлик Қаҳҳор Хушбоқов эса шифобахш гиёҳлар билан беморларнинг вужудини даволамоқда.

Бир нарсани англаш керак: халқ табобати бошқа гап, фолбинлик, сеҳргарлик ва экстрасенслик бошқа гап. Худо чиндан-да табиқий илмини қўтирган одамлар бордир, улардан халққа наф тегаётгандир, лекин шуни унутмаслик керакики, тобора «Болалаб» бораётган ва ўзларини Сиз кутмаган бир кун «экстрасенс» деб эълон қилаётганлардан (агар шу кетимишда бўлса) кўп жабр тортаемиз.

Дарвоқе, ҳозир қандай асрда, даврда яшаймиз? Чамаси, соф инсон вужуди, руҳи инсу жинслар билан аёвсиз қураш олиб бораётган бир паллада турибмиз.

Махмуд АБУЛФАИЗ

## ЗАМОН, ОДАМЛАР ВА «БОЛАЛАЁТГАН» ЭКСТРАСЕНСЛАР

ди! Худойим шундайлардан асрасин!» Ҳозир-чи, ҳозир? Ҳозир эса бирор бир сабаб билан ҳуши қочган, тоза-нотоза юриб руҳиятида ажаботвор қилиқлар содир бўлган одамларга гоҳ... бироз ҳавас, бироз ҳасад билан қараш ҳоллари бўлаётир. Хусусан бозор муносабатлари деган гап ҳаммаёқни забт этган бир паллада қушнот, фолбин, замонавий тил билан айтганда, экстрасенс бўлиш истаги муайян бир тофаннинг, агар ҳисоблаб чиқиладиган бўлса, катта бир гуруҳнинг истагига айланиб бораётганлигини бугунимиз кўрсатиб турибди.

Бировлар туну кун «Е эгам, мени зинҳор ақл-идроддан, йимондан айирма, инсу жинсларнинг ортларидан хамиша асра!» деб илтижо қилиб турган бир пайтда баъзилар «Э, худойим, мен ҳам фалончига ўхшаб тезроқ экстрасенс бўлсайдим!» дея тилак қилади.

— Сурхондарёдаги ҳар ўн оиладан бирода экстрасенс қайфиятидаги одам бор, дейиш мумкин, — дейди

врач. У кишининг айтишига қараганда марказ томонидан республика «Биллим» жамияти қошида, Оренбург экстрасенслар мактабида, Хислат номидаги экстрасенслар уюшмаси ва республика халқ табобати мактабида, Жуна Давутовнинг мактабида ўқиб диплом олган 51 нафар экстрасенс (фолбин, қушнот, сеҳргар) рўйхатга олинган. Кунларнинг бирида инсу жинслар чалган ёхуд ўй-хаёлига улар шерик бўлган 47 нафар экстрасенсларнинг эса махсус дипломи йўқ, аммо уларнинг жазаваси дипломи борларникидан кам эмас. Агар қўлида ҳужжати бор, ҳужжати йўқ ва умуман бирор ерда номи қайд қилинмаганларини ҳам санайдиган бўлсак бу вилоят бўйича жуда катта рақамни ташкил қилади. Лекин вилоят табобат марказига бор-йўғи ўй уч киши ҳисоб бериб туради, холос... Қолганлари халққа фойда келтираётгани, зарарми, буни Худо билади.

Табобат марказида Виталий Аверин исм-шарифли йигит бор экан. Узи-

дондан бахмал жилдли қалин, чиройли китобни кўрсатади. — Мана, бу Библия, ана шу улуг китоб менга кўмак беради. Яна бир нарсани айтишим мумкинки, мен учун даҳрий беморлардан кўра ҳудожўй беморларни даволаш осонроқ ва энгилроқ.

— Мен шу нарсани тўла ишонч билан айтманки, кейинги пайтларда Сурхондарёда ҳар хил фолчи, қушнот, баҳши, экстрасенсларнинг кўпайиб бораётганлиги оқибатида кўп-лаб рўзгорларда руҳий мувозанатнинг бузилиши ортмоқда. Эр-хотинлар ўртасида совуқчиликлар, турли хил руҳий хасталиклар сони ошса ошайптики, камаймаяпти, — дейди Умида Норбоева. — Иссиқ-совуқ қилишлар, ҳар хил сеҳргарликлар яхши ниятли одамларга аввалги замонлар ҳам яхшилик келтирмаган, бундан кейин ҳам келтирмайди. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчиси шуки, ҳозир топган бор, топмаган бор, етиб-етмай умргузаронлик қилаётганлар бор.

## УЙГА ҚАЙТИБ БОРМАЙМАН

Кечки пайт ётоқхонада қизлар шивир-шивир қила бошлашди. Эмишчи, ётоқхонага самарқандлик бир қиз уйдан қочиб келибди... Табиғи, барча ахли толиб қатори мен ҳам уни кўришга қизиқдим. У ўзи ким? Нега уйдан қочиб, бегона шахарга келган? Қизни тўртинчи каватнинг ошхонасидан топдим. Қора сочли, 20—22 ёшлардаги қиз.

— Нима қилиб ўтирибсиз? — дабудурустан сўрадим. — Хонага юринг, балким бирор ёрдамим тегар?

— Менга ҳеч ким ёрдам беролмайди, — маънос жавоб берди у. — Туғишларнинг сифдираганидан кейин, ўзгандан меҳр қутишдан не фойда?..

...Қиз кўзларида ёш билан хонага кирди. Унга тикилиб қарайман. Кўришидан яхши қизга ўхшайди. Кўзлари ғамгин бўлса-да, маъноли.

— Нима бўлди ўзи? Бу ерларга қандай келиб қолдингиз? — усмоқчиладим мен.

— Мени «уйдан қочган» дейишганимиди сизга ҳам? Бу рост гап. Уйимдагиларнинг муносабати шу йўлни танлашга мажбур қилди. Мен уларга на қиз, на сингил, на опа бўла олдим. Биз оилада ўн икки фарзандим. Отам бундан саккиз йил бурун қазо қилганлар. Акаларим, опаларим ўлижойли. Икки янгам биз билан яшайди. Мактабини туғатгач, ўқини давом эттиришчи бўлдим. Акаларим рухсат беришмади. Шу орада бошим шамоллаб, касалхонада даволаниб чиқдим. Уйга келсам, уйдагилар мени бир-бирига «тентак» деб кўрсатадиган бўлишди.

Онам мени холамнинг ўғлига узатмоқчи эди, лекин унинг кўнгли йўқ экан шекилли, бошқага уйланди. Ушунда ҳам опаларим «сен касалга ким ҳам уйдан қочди» деб таҳқирлашди. У ҳам ётгандек, акамнинг хотини билан гафимиз унча чиқишмасди. Акам ҳам хотинининг гапига кириб, ҳар-хил баҳоралар билан мени урарди...

Бир йилча қишлоғимиздаги болалар боғчасида ишладим. Кейин опаларимдан бири ишлашимга ҳам рухсат бермай қўйди. Ишонмага қочиб борардим, оркамдан бориб уриб-уриб олиб кетишар, «сенга кўчага чиқиш мумкин эмас. Уйда ўтиравер. Ақлинг заиф, ёмон одамлар ўғирлаб кетиши ҳеч гап эмас», дейишарди. Мен эса таломан соғлом эдим. Мабодо уйда бирор китобни ўқийдиган бўлсам, ҳатто сингилларим қўлимдан китобни тортиб олиб, «сен касалсан-ку, китобга тушунармидинг» деб ҳақоратлашарди.

— Онангизчи? Наҳот туққан онангиз ҳам меҳрини дарғ тугган бўлса? — Онамга менинг бор-йўқлигим аҳамиятсиздек эди. Ака-опаларим тутиб уришганда ҳам ҳеч қачон мени ҳимоя қилмас, аксинча ўзи ҳам қўйиллиб калтаклашарди.

— Оилада ўн икки киши экансизлар. Наҳот шунча опа-акаларингиздан бирутаси сизни тушунмаган бўлса?

— Мени фақат ўртанча опам тушунарди. Опам бола-чақаси билан уйга келган кунлари мени иложи борича ҳимоя қилишга ҳаракат қиларди. Ёлғиз шу опамгина соғлом эканлигимга ишонарди. Уйдагилар калтаклаган кунлари опанимизга қочиб кетардим. — Опам ҳар гал «сабр қил, турмушга чиқиб кетсанг ҳаммаси яхши бўлиб кетади» дерди.

Мен эса эртаю кеч ёлғиз ўлим ҳақида ўйлайдиган бўлдим. Яшаш жонимга текканди. Икки марта ўзимни

ўлдиришга ҳаракат қилдим. Қишлоғимиз чеккасидаги ҳовузга ўзимни ташладим. Қишлоқдошларим қўтқариб қолишди. Уша кунни ўлимни, бу бевафо дунё билан хайрлашимни жуда-жуда истагандим. Яна сиз мени «ҳақиқатан ҳам бу кизнинг ақли заиф эканда», деб ўйламанг. Мен ҳаётдан эрта тўйдим, тўғирроғи тўйдиришди. Ўз уйимда хор-зор бўлиб яшашдан кўра ўлим афзал эмасми? Гарчи менинг қилган ҳаракатим охирик бўлса-да, ўша пайт бошқа чора тополмагандим.

— Тошкентга қандай келиб қолдингиз? Ахир бу ерда ҳам ҳар-хил одам бор?

— Мен наҳот излаб келдим. Бу ерда қишлоғимиздан бир қиз ўқирди, ўшани қидирдим. Ёрдам берар деган умидда эдим. Афсус, у ҳам қишлоққа қайтиб кетган экан. Ётоқхонада яхши қизлар кўп экан, мени тушунишди. Бир кеча жой беришди. Бугун Самарқандга қайтиб кетаман, ўша ерда бирор ишга жойлашарман.

— Самарқандга бордингиз дейлик. Қишлоққа қайтиб борасизми?..

— Вилоят хотин-қизлар кўмитасига учрашиб, улардан ёрдам сўрайман. Агар улар ҳам ёрдам беролмаса, унда ўзим бирор иш қидириб топарман. Қандай иш бўлишидан қатъий назар, фақат уйимга қайтмасам бўлгани.

Сўхбатимизни эшикнинг тақиллаши бузди. Ҳаморларни поездга кузатиб қўйишга келишди. Қиз кўз ёшларини арта-арта мен билан хайрлашиб,

чиқиб кетди.

Хонада ёлғиз қолдим. Уйлар мени қийнарди. Наҳотки, унинг ҳамма айтганлари рост бўлса? Онанинг фарзандига, ака-опанинг сингилга душманлигини қандай изоҳлаш мумкин? «Унта бўлса ўрни бошқа», дейишадими-ку? Наҳот баалоғат ёшига етган кизнинг тақдирини ҳеч кимни қизиқтирмас? «Ҳаммаси менинг ўлимимни исташди» деган гаплари қулғим остида жаранглайди. О, менинг ожиза замондошим! Сен ўлганин билан уларга бир парча ер ортиқча қолармиди?! Ва ё опа-сингилларинг бир куйлак ортиқ қиярмиди?! Балки шундай муносабатда бўлишларига ўзинг сабабчидирсан?

Балки сен ҳам улардан меҳрининг дариг тутиб, бегоналашгандирсан? Билмадим, билмадим, «Бу уйда ҳамма менга душман» деган гапнингга, тўғриси, унча ишонмадим. Наҳотки, бутун бошли оила сенга қарши қуролланган бўлса? Оила, минг ёмон бўлса-да, туғишларнингдан иборат. Сенинг бу ёруғ дунёда улардан бошқа ҳеч кимнинг йўқ-ку! Улар сенга ноўрин жahl қилишди дейлик, бироқ сен ҳам шу тарзда жавоб қайтаришинг шартмиди?

Кетдинг. Поезд сени юртинг сари олиб кетди. Аммо сендан жуда ҳавотирдаман. Сени эртага нима кутяпти?

РАЖАБГУЛ  
ТошДД толибаси

«Қачондир мен ҳам барибир рингда мағлубиятга учрайман. Бу Худонинг қайси кунига, қайси шаҳарда ва қандай ҳолатда бўлишини ўзим ҳам билмайман. Бир жиҳатдан бунинг биллишимнинг ҳам унчалик аҳамияти йўқ. Бироқ бир нарса аниқ. Қайси вақтда рўй беришидан қатъий назар мағлуб бўлган кунимок профессионал рингнинг бутунлай унутаман. Бокс орқасидан боғлиқ тўплашни эркакчасига ташлайман. Чемпионлигига ҳам, обрўсига ҳам бир йўла тупурганим бўлсин. Шу ҳам ҳаёт бўлди! Мағлубият алами баҳона узоқ-узоқ жойларга, мени ҳеч ким билмайдиган, ҳеч ким танимайдиган томонларга бош олиб кетаман. Уйланаман. Ундан ортиқ фарзанд тарбиялайман, вақт топиб ўғилларимни бирма-бир тиззамга олиб — отанг машҳур шахс бўлган, енгилмас, темир муштли чемпион бўлган дея қулоқларига қуяман. Суръат ва кинолаҳзаларимни кўрсатаман. Зора, улардан биттаси келажакда рингда ҳаётини ўзгалтса. Муҳаммад Алининг доврўгини қайта тикласан».

лан ҳарбий қисм чегарасидан ихтирий равишда чиқиб кетди. Орадан икки соат ўтар-ўтмас жаҳон бокс ассоциацияси бутун матбуотда, радио ва телевидениеда Муҳаммад Алининг дунё профессионал боксчилари ўртасида қўлга киритган жаҳон чемпиолигини бекор қилиш тўғрисида жуда кўп маълумот тарқатдилар. Масалани ётиги билан текшириш ва айбланувчининг жазоланган учун иш судга оширилди. Бунга албатта кўпчилик бокс ишқибозларидан тортиб айрим сиёсий раҳбарларгача-да қаршилик билдирди. Аммо тепада одил суд турганда унинг атрофидаги майда-чўйдаларнинг қўлидан нима ҳам келарди. Қонун барибир Муҳаммад Алининг навбати келганда ўз қонулигини қилди. (АҚШ армиясида мамлакатнинг барча фуқароси мажбурий хизмат қилиши шарт эмас). Давлат судининг ҳал қилувчи энг сўнгги йўғини 1967 йилнинг 19 майда Хюстон шаҳрида ўтказилди. Жабрланувчи Муҳаммад Али унда қатнашмасдан бир варақ қоғозга фикр ва қарашларини ёзиб жўнатди, холос:

Йўқ, Муҳаммад бунга йўл қўймайди ва Фрээрнинг чемпиолигини тан олмайди. Мутлоқ голиблик фақат қажатқиқ жанглр эвази билан қўлга киритилиши шарт. Бошқа барча-барчаси бекорчи гаплар. Айнан шу паллада Алининг олдида турган ягона йўл — Фрээрни рингда қақирриш эди. Бироқ унга беш йилгача муштлашиш ман қилинган. Бунга мамлакатнинг барча раҳбар идоралари тиш-тирноғи билан қаршилик қилиши турган гап. Демак...

Навбатдаги жанг ҳозирлиги Муҳаммад Али учун ҳар галгидан кўра бошқароқ бўлди. У спорт кийимларини қийдию бир неча қақирим югурди, баданидан тер чиққунча машқ қилди. Шу жиҳда ўз инон-ихтиёри билан сўнгги рақиб Фрээр билан бўладиган муштлашувга тайёгарлик кўра бошлади. У биларди, барибир ушбу учрашувга сиёсатчилар йўл қўймайди. Шундай бўлсада чемпиолик шохсупасида оёқларининг орасида ўралашаётган Жо Фрээрни буд-шуди билан йўқ қилиб ташлашга бел боғлади. Баъзида

барибр иккаламига торлик қилади-ганга ўхшайди. Биз негрлар ҳали бир-ровга тан бермаганмиз. Шартинга розиман. Аммо шунинг унутмаки, шу бугунданок иккаламиздан биримиз Американи тарк этишга мажбур бўламиз. Ё сен, ё мен.

Шу кунинг кеч соат тўртга қадар ушбу хабар бутун дунёга тарқалди. «Колумбия» спорт саройига барча шатлар қатори Лондон, Париждан ҳам спорт журналистлари етиб келди. Кўчаларда «Али Фрээрни рингда қақирди», «Мана бунинг Али деса бўлади», «ХХ асрнинг энг аҳамиятли, энг қизиқ жанги бугун ўтказилади» сингари афишлар пайдо бўлди.

...Ана, Муҳаммад Али шахсий тан қуриқчилари билан бирга ўз машинасида йўлга чиқди. Ким билади дейсиз, у ҳозир нималар ҳақида ўйлаётган экан. Эҳтимол енгиллигини — Американи ташлаб чиқиб кетишини хаёл қилиб, ичи ёнаётгандир. Балки рингда Фрээрнинг майда-майда бўлиб кетган суякларини бакуват ебқлари билан мазза қилиб мажақлаётгандир... Машиналар тизими Фрээр машқ қиладиган спорт саройига уч қақирим қолганда таққа-таққа тўхтади. Фрээрнинг тарафқашлари ўша уч қақиримлик масофани аллақачон ўз машина ва турли оёқ улов техникалари билан эгаллаб олганди. Бу ёғига фақат пиёда бориш мумкин.

Учрашувдан олдин Жо Фрээр ўзининг барча телешарҳловчиларини фақат мен ютсамгина тасвирга туширинглар, сўнгра бутун дунёга тарқатинглар, деб огоҳлантириб қўйганди. Лекин масала у йўлланганчилик бўлмади. Томошага йўлланганларнинг нақ 60—70 фоизи Муҳаммад Алини қўлаши турган гап. Бунинг албатта собиқ чемпиолининг қўраб олган оломоннинг ҳовуридан ҳам англаса бўларди. Уларнинг орасида бутун дунёга донги кетган профессионал боксчилар Листон, Таррел, Петтерсонлар ҳам бор эди. Улар шу бугунга қадар Муҳаммад Алидан бошқа ҳеч кимни бундай катта қувончлар билан кутиб олмаганди. Тўғриси, Алининг ўзи ҳам ушбу чемпиолининг курсатаётган кароматига ҳамда тарафқашлик қилишига сира ҳам ишонгани келмасди. У худди ширин туш қўраётгандек сезарди ўзини. Билдики, бугун ўз обрўсига яна кўпроқ обрў қўшилиши мумкин. Фақатгина ютса албатта. Ютилса-чи? Йўқ. Бундай бўлиши мумкин эмас. Дунёда ягона чемпио Муҳаммад Али бўлиши керак. Худо хоҳласа бўлади ҳам. Ушбу хаёллар унинг кучига куч, шижоатига шижоат қўшди. Жангда голиб чиқишига 99 фоиз ишонч ҳосил қилди. Энг муҳими биринчи раундни бёл бермасан бас. Қолгани забардаст муштларига ҳавола. Рақибини кўз очишга ҳам қўймайди.

Давоми келгуси сонларда

Нормурод МУСОМОВ тайёрлади

# НЕГРЛАРНИНГ АРМОНИ

## «ЕКИ «ДУНЁДАГИ ЭНГ АБЖИР ОДАМ» МАҚОЛАСИНИНГ ДАВОМИ

Нақадар чиройли, табиатан кўпнинг кўнглига маъқул бўладиган юракка мойил сўзлар-а! Аммо, орзу қилиш, хаёл сурш, гап ўқидириш бошқа-ю, ўша орзуларга, ўша хаёлларга эришиш бошқача. Муҳаммад Али ҳаётда жуда кўп қийинчиликларга дуч келди. Омадининг ўз ўғиргани шу бўлдики, унинг пок ва бегубор ниятлари ниятлигича армонларга қоришиб кетаверди. Ҳаётда чемпиоликнинг хайрли наъшаси билан биргалликда субутсиз ва сотқин сиёсатнинг ордона қилиқлари ҳам Муҳаммад Алининг умрида темир панжалардан аччиқ қисматли давр ясади. Баҳонада орзулар манзили чўзилганда-чўзилди ҳамки, яқинлашмади.

1967 йилнинг мартида Муҳаммад Али оғир вазндаги профессионал боксчилар ўртасидаги яна бир муҳим ғалабани қўлга киритди. Бутун Америка Қўшма Штатларига донг таратган Зора Фоллини мағлубиятга учратиб жаҳон чемпиолигини ўзида сақлаб қолди. Лекин танангда ғайритабиий куч-қудрат, ўзинга нисбатан улкан ишонч бўлгани билан атрофндаги ўрмалашаётган катта-кичик ҳўжайинлар қалбида обрўингга, қилган хизматларининг нисбатан заррача ҳурмат, эъзоз бўлмаса барчаси бир пул экан. Бундай дейишимга сабаб 1967 йил Зора устидан қозонилган ғалабадан кейин кўп ўтмай бутун эзгу ниятли халқларнинг сеvimли даҳоси Муҳаммад Алининг зиммасидан «дунёдаги энг кучли боксчи» деган шарафли унвон жаҳон бокс ассоциацияси бўйўриги билан соқит қилинди. Сабаб?

1966 йилнинг март ойида Муҳаммад Али мамлакатнинг бошқа фуқаролари қаторида Америка Қўролли кучлари сафида ҳарбий мажбуриятини бажаришга жўнатилиши лозим эди. Аммо унинг ишбилармон адвокатлари ушбу масалани 1967 йилнинг апрелига қадар кечиктиришга улгурганди. Хюстон шаҳрида ҳарбий медицина кўригидан ўтиш ҳамда Қўшма Штатлар армиясида ўз бурчини ўташга қасамёд қилиш чоғида чемпио Муҳаммад Али генералларнинг таклиф ҳамда кўрсатмаларини бутунлай рад этиб шундай деганди:

«Мен ҳеч қачон қўлимга қурол олмайман. Ветнамга қарши адолатсиз урушда қатнашишдан бош тортман. Бунга биргина мен эмас, ҳаттоки ҳаммамиз учун ягона бўлган Аллоҳимиз ҳам қаршидир».

Бўлиб ўтган воқеадан таъби хиралашган полковниклардан бири шу ернинг ўзидаёқ телефон орқали Хюстон шаҳар бош прокурорига хабар берди. Прокурорнинг полковникка нима дегани номаялғим, бироқ шу кунинг ҳарбийлар чемпиоли вақтинча ўз эркига ташлаб қўйди. У шахдам қадамлар би-

«Уз виждоним ҳамда виждоний хайрихоҳлигим билан мусулмонлигини ўртга қўйиб, АҚШ армияси сафида хизмат қилишдан эркакчасига бош тортдим. Бунинг сабаби тўғрисида илгарини ҳам айтганман, зарур экан яна бир бор таъкидлайман. Севимли ва жононган халқимнинг ҳақиқий душманам Ветнам тупроғида эмас, балки шу ерда — ўз Ватанимиздадир. Кимдир бегуноҳ бандаларнинг қонини тўкар экан, адолат учун курашаётганларнинг ёстигини қуритар экан, мен ҳеч қачон унинг тарафдори бўлмайман. Унга ёрдам қилишни ҳам ўзимга эп кўрмайман. АҚШда ва жаҳоннинг турли бошқа мамлакатларида қора танлиларга нисбатан зуғум қилаётганларни бир умр қоралайман».

Суд, адолат ва адолатсизлик юзасидан бўлиб ўтган узоқ баҳс-мунозаралардан сўнг чемпиолини беш йил муддат билан озодликдан маҳрум этиш ҳамда 10 минг доллар жарима солиш учун қарор чиқарди. Уз ўрнида Муҳаммад Алининг шахсий адвокатлари ҳам суд иши юзасидан катта курашга бел боғлади. Давлат қонунчилари билан ҳамкорликда масалани қайта кўриб чиқди. Жуда катта миқдорда тўланган жарима эвазига чемпио озодликда қолди. Аммо суд белгилаган беш йиллик муддат тугагунга қадар унга рингда чиқиш қатиян ман қилиб қўйилди.

Жаҳон бокс ассоциацияси Муҳаммад Алининг чемпиолигини рад қилгач, профессионаллар ўртасида иккига бўлиниш юз берди. Уларнинг бир қисми 1964 йилги Олимпиада чемпиони Жо Фрээрнинг ноини илгарини сурса, қолганлари дунёдаги энг кучли боксчи деган шарафли номга Жимм Эллисни лойиқ деб топишди. Бахслар анча вақтгача давом этиб келди. Хуллас, 1970 йилнинг 17 феввалида оғир вазндаги ана шу иккита боксчи ўртасида жаҳон чемпиолини аниқлаш мақсадида кескин муштлашув ўтказилди. Жо Фрээр рақиб Эллисни мағлубиятга учратиш учун бор-йўғи тўрт раунд кифоя бўлди. Бу вақт мобайнида у Эллисни икки бор нақдун қилишга эришди. Навбатдаги бир дақиқалик дам олишдан сўнг рақиблар бешинчи раундга қақирилди. Бироқ Жимнинг тарафқашлари ғалабадан уминдини узди шекилли, секундант рингда мағлубият белгиси — оқ сочиқни ташлашга мажбур бўлди ва кураш тўхтатилиб, Жо Фрээр профессионаллар ўртасида жаҳоннинг мутлоқ голиби деб тан олинди.

Фрээрнинг жаҳон чемпиоли сифатида расман тан олиниши қисқа сониялар ичида Муҳаммад Алининг қўлоғига етиб келди. Энди нима қилиш керак? Наҳотки, ҳаммаси худди шу бугун, худди шу тарзда тугаса?

таваққалчилик ҳам катта иш бериши мумкин деган фикр унинг бутун борлигини қамраб олган эди. Муштлашувнинг ҳукумат тўхтатас тўхтатар, тўхтатмаса бориға барака. Шундай хаёллар билан Муҳаммад эрталаниб нонушадан сўнг Фрээрга сим қоқди ва узоқ баҳс боғлашди:

— Жо, сен бугун соат нечада машқ қилсан?

— Нима ишинг бор эди?

— Каерда шуғулланасан деяпман?

— «Колумбия» спорт саройида.

Намунча тергов қилсан. Тинчликми ўзи?


— Шу бугун иккаламиз рингда чиқишимиз шарт. Ё сен... ё мен...

— Йўлингдан қолма, телба.

— Жо, мени қўрқитолмайсан.

Муштлашишни истамасанг спорт саройига борганимда қорангини кўрсатма. Акс ҳолда учрашувимиз яхшилик билан тугамайди. Гапимни охиригача эшит. Менинг ҳали боксдан умидим катта, бироқ назаримда ҳаммаси худди шу бугун тугайдигандек. Бундай бўлиши мумкин эмас. Сенинг нафасингнинг ўчирмай, еб-ичишимда ҳам, ётиб-туришимда ҳам ҳузур-ҳаловат йўқ. Ҳозироқ бутун бошли журналист халқини огоҳлантираман. Улар кўришин, дунёга овоза қилишин, рингда сени бурда-бурда қилиб ташлаганини туну кун тўхтовсиз дунёга тарқатсинлар.

— Ҳаммасига тупурдим, Али! Сен айтганчалик бўла қолсин. Америка



— Ғани бобо, сизни театрга излаб берганим, ҳозир рўл ўйнамаётган экансиз, нима иш билан машғулсиз?  
— Маҳалламда раислик қилапман.  
— Қанондан бери!  
— 1963 йилдан буён. Комил Ерматов билан Ялтада сиёҳида эдим, уйга келсам шунақа гап. Илгариги раисимиз қазо қилган экан, урнига мени сайлаб қўйишди. «Йўқ, мен бўлмайман» десамам, одамлар қўйишмади. Мана, 30 йилдан буён маҳаллада раисман. Одамлар билан бир енгдан қўл чиқариб ишлаб юрибмиз.  
— Сизни кўпчилик самарқандлик дейишади. Асли қаерликсиз!  
— Шу-у... Тошкентликман. Ота-онам ҳам тошкентлик бўлишган. 1909 йилда Хастимомда туғилганман.  
— 84 ёшга кирибсиз. Ёшлигингиз...  
— Хе, гапирма. Сенлар китоблардагина билган эски мактабда, мана мен ўқиганман. Носиржон деган домулламиз бўларди, зўр дарс ўтарди-да. Тағимизга пўстак солиб олиб, мана мунча тахтачада а(алиф), б(бе) деган ёзувлар бўларди, домулламиз айтарди, биз ҳаммамиз такрорлардик.  
— 1917 йилга келиб ҳамма ёқ алғов-далғов бўлиб кетди. Кейин Совет мактаблари очилди. У вақтлар «янги мактаб» дерди. Ундайм ўқиганман. 1926 йилдан Дзержинский номи муаллимлар тайёрлаш курсига кирдим. Кундузи ишлаб, кечаси ўқидим. Уллубек номи мактабда 1928 йилдан 1—2 синфларга дарс бера бошладим.

берганман. Диплом (у вақтда «шаҳодатнома» дейишарди) унимам мен топширганман. Артистларга ёқиб қолганманми, чиройлигина эдим-да, «Домулла бизда қолинг» деб ҳеч қўйишмасди. Мактабда 60 сўм пул олардим, улар 115 сўм берамиз, дейишди. Мактабдан каникул вақти мени Ленинградга «қолиппида»га олиб боришди, ўшаёқдан қайтиб келдигу труппада қолиб кетдим.  
— Кейинчалик артистликка бирон жойда ўнган бўлсангиз керак!  
— Театралний институтнинг кўчасида нам ўтмаганман, билмайманам. Артистлик — характеримда бор...  
— Саҳнага илк бор чиқшингиз қандай келган!  
— Биринчиси... Ҳа, малимлик пайтида бўлган. Ушанда Ҳиндистонда уруш бўлаётган эди. Труппа «Бомбей» номи пьеса қўйишган. Хўжа Сиддиқ деган, 1933 йилда вафот этган (худо раҳмат қилсин), ҳозиржавоб, илмлик, жуда яхши артист бор эди. Мен пьесани томоша қилиб турганимда, ўша одам мени саҳнага итариб юборган. Менинг саҳнага биринчи бор чиқишим шу бўлса керак.  
— Одамларнинг гапига қараганда «Музқаймоқ» сотувчиси ҳам бўлган экансиз, шу гап ростми!  
— Уруш йиллари эди. Тирик қолиш учун қим нимами хоҳласа шуни қиларди. Аммо фронтга ёрдам бериши одамлар ҳеч қачон унуттишмасди. Биласизми, ўша вақтлар яшаш қанчалик қийин бўлмасин, одам-

— Машҳур бўлиш яхшими ёки...  
— Нимаси ёмон? Жудаям яхши.  
— Кўча-кўйда ҳамма қараса, оддий бир одамдай юролмасангиз... Оғирлик қилмаскини!  
— Ҳамма қараса тағинам яхши. Ҳаммага қарамайди, қарасинчи... Баъзилари «Ассалому алайкум» деб орқадан қолишмайди, Қўлингизни бир олиб қўяйлик, суҳбатингизни олайлик, биз Самарқанд, Андижон, Бухородан келгандик, мана сизни учратиб қолдик, яхши бўлди», дейди. Бошқа одамларга шунақа десинчи!! Машҳурлик қанча оғир бўлмасин, шунча ширин. У менинг ўзимники, ҳеч қимдан таъмагирилик билан олмаганман. Демак, фахрланашга ҳақлиман.  
— Қайси актёрлар билан борди-келди қиласиз!  
— Коллективимизда ҳаммаси билан жуда қадрдонман. Ҳозир театрда энг катта ёшдаги актёр ҳисобланаман. Эрка актёрлар «Ота» дейишади, хотин-қизлар «дадов» деб тармашиб қолишади. Бир-биримизни ҳурмат қиламиз.  
— Одамлар Ғани Аъзамовни Ғани Аъзамов қилган Мўмин дейишади.  
— Йўқ, ундай эмас, Мўминни Мўмин қилган Ғани Аъзамов бўлади. Устозни Станиславский ҳаммиша «Ўзингни унутиб ўйна», дерди. Мен юздан ортиқ рўл ўйнаганман. Ҳаммасидан ўзим қимлигини танимайман. Баъзида актёрлар «герой»га



ҒАНИ АЪЗАМОВ ОИЛАСИ

# «МЎМИННИ МЎМИН ҚИЛГАН ҒАНИ АЪЗАМОВ»

— Демак, ўқитувчи бўлган экансиз, қандай қилиб артист бўлиб қолдингиз!  
— 1928 йилда араб алифбосига қарши лотин алифбоси жорий қилинган. Ушанда ҳамма саводсиз бўлиб қолган. Жойларда курслар очила бошлади. Оз-моз саводи борларнинг ҳаммаси курсларда дарс беришга жўнатилган. Мениям маориф чақириб: «Сен қаерга борасан!» деганда, «Давлат труппасига деганман. Труппага жўнатишган. Биринчи поколениа артистлар Маннон Уйғур, Етим Бобоҷонов, Аброр, Сора... Ҳаммаси ўша ерда эди. Уларга дарс

лар ҳозирга қараганда яхшироқ эди. Бизнинг ҳам моддий томондан жуда қийналиб қолган кўнларимиз эди. Актёрликдан олган маошим етмайди. Шунда хотинимга «музқаймоқ» дўконини олиб бериб, кечаси театрда рўл ўйнайман, кундузи хотиним ёнида ёрдам бераман. У вақтлар кўп қийинчиликлар бўлганда болам.  
— Танлаб уйланганмисиз!  
— Ҳа-а... Труппамизга жуда чиройли қиз келиб турарди, лекин артистлик қилмасди. Биринчи кўрганиданоқ кўзимни остига олиб қўйдим... Севиб қолганим-да. Илойим актриса бўлиб бизга келсин деб юрардим. Кейинчалик эшитсам, труппамиздаги Муборак исмли актрисанинг синглиси экан. Муборак опага «Синглингизни берасиз» деб туриб олдим. Охири рози бўлди. Артистларга бир зиёфат бердик-да, эр-хотин бўлдик. Ҳозиргидай тўй-пўй, карнай-сурнай деган нарсаларсиз бўлган. Хотинимнинг исми Тошхон. 25 йил савдо ходими бўлиб ишлади. Ҳозир нафақада.  
— Артистлар тез-тез гастролларга бориб туради. У киши сизга...  
— Нима демоқчи бўлганингизни тушундим. Йўқ! Дунёда энг самимий, эрини тўғри тушунадиган аёл битта бўлса, ўша менинг хотиним бўлади. Театрдагилар ҳам хотинини жуда яхши қўришади. Улар «Сиз бормасангиз, Ғани акам ҳам бормайди» деб, гастролга чиқадиган бўлса, энг аввало менинг хотинимга билет олишади. Кейин, кам томоқман, ошхонадан овқат емайман. Гастролларда ҳам ўш овқат қилиб беради. Хотиним менинг артистлигимнинг ярми. Менга текстларни тўғрилай беради, уйда қанча репетиция қилган бўлсам, у ҳам менинг ёнимда шунча меҳнат қилган.

талашишади. Ҳеч қачон ундай қилмаслик керак. Актёр саҳнага бир мартагина кириб чиқиб кетиши мумкин, аммо шунинг ўзи билангина одамларга манзур бўлиб қолиш ҳеч гапмас.  
— Анча илгари «Рўмео ва Жулетта» саҳнага қўйилганди. Уша кунни мен кичкинагина бир эпизодда ўйнаганман, лекин одамларга шу қадар ёқиб тушгандики, қарас қалаверган, қалаверган. Шунда Шукур Бурҳонов: «Нима учун «герой»ни мен ўйнасаму, олқинингиз ҳаммасини сен олсан», деганди қулиб. Танафус вақти мени раҳматли Шароф Рашидов олдига чақирганди, у киши ҳам кўрган экан. Директоримизга эса «Ҳужоатларни тайёрланг» дебди. Ушанда «Халқ артисти» бўлгандим.  
— Мўмин сиз учун унчалик қадрли эмас экан-да!  
— Нима учун? Мен ҳар бир рўлимга юрагимни ташлаб чиққанман, шунинг учун ундиси қадрли, буниси қадрли деб ҳеч қачон айтмайман. Менга ҳамма рўлим қадрли.  
— Мўмин одамлар ичида анчагина машҳур. Унинг саҳнага қўйилишидаги бирон қизиқ воқеани эспайсангиз!  
— Актёрларга руҳ берилади, шубҳасиз, актёрлар биладик, қозғоқдагина ёдлаб, саҳнага чиқиб, бу актёрлик эмас. Шунинг учун ўз прототипини излашга тушади ва топдим, унинг қулোগини чўқалашидан тортиб ботинкасини боғини қандай боғлашигача ўрганиб келишади.  
— Сартарошлик ҳам қилганмисиз!  
— Қилганман. «Мафтунингман»да. Эслолмайман. Нечанчи йиллар эди. Кечаси Нури Аъзамович телефон қилиб: «Эрталаб олтида Самарқандга кетамиз», деб қолди. «Сартарош рўли бор, шунда ўйнай-

сиз», деди. Ашуласиям бор экан. «Ашула айтишни билмайман», десам, «бу ёғи ўзимиздан», деди... Самарқандга бориб тезда қўшиқ жумлаларини ўрганиб олдим. Уйнаш ҳам керак экан. Уйинга тушиб турмайманми, уйнабам ташладим. Қўшиқ жумлалари ҳам ўз-ўзидан қўйилиб келаверди. У ёқда одамлар қулишади, мен сартарош рўлини ўйнадим. Демоқчиманки, рўл кишига ёқиб тушса ҳаракат ўз-ўзидан келаверади.  
— Агар қайта туғилсангиз...  
— Авваломбор қайтадан туғилиб бўлмайди. Бу бор гап. Афандидан қолган. Лекин қайтадан туғилганимда ҳам характерим шу бўлса санъатдан бошқа касбни қилмасдим, билдиз...  
— Армонингиз борми!  
— Армоним... Биласизми, кейинги вақтда «Олтин девор» билан «Кувёни кино қилмоқчи бўлишди. Эркиннинг розилигини олиб сценарияни тайёр қилганимизда, бошқа харидорлар чиқиб бошқача қилиб юборишди. Менга ёқмади, чунки кинодаги Мўмин театрдagi Мўминдан устун бўлиши керак эди. Мен буни кўрмадим. Кейин нима қилардим, шерманда бўлишдан кўра, ташлаб кетишни маъқул топдим...  
— Ғани бобо, мана бир кам 85 ёшдасиз, ўзингизни бахтлиман деб биласизми!  
— Бахтдан ҳам бахтлироқман, лекин бир кам дунё экан-да.  
— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат! Умрингиз узоқ бўлсин.

Шавқиддин БАҲРИ суҳбатлашди



«СУЮНЧИ» ФИЛМИДАН

**Бош муҳаррир:** Абдуҳошим ИРИСБОЙ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЭКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РҶЗИЕВ, Мухаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙИИД [бош муҳаррир ўринбосари], Ботир ЭРНАЗАР [масъул котиб]

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:** Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ, Мейли ЙУЛДОШЕВ.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700029, Мустақиллик майдони, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

**Улуғбек СУЛТОН** навбатчилик қилди

Буона индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-713. 23189 нусхада чоп этилди. Офсет усулида боғилди. Формати А-3, ҳамми, 2 босма табоқ.